

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНING АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси,
кундузги таълим 3-ўқув курси курсанти
Xabibullayev Abdullo G'aybullo o'g'li*

Аннотация: Мақолада ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг тушунчаси ва хусусиятларига оид илмий қарашлар таҳлил қилинган. Муаллиф ҳозирги Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси асосий йўналишлар такомиллаштириш, субъектлар хусусиятлари ва амалга ошириш механизми ёритилган.

Калит сўзлар: махсу профилактика, ҳуқуқбузарлик, профилактика, чора-тадбирлар, асосий йўналишлар

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси деганда, одатда, профилактик мазмунга эга “Ўсмир”, “Орият”, “Қорадори”, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги”, “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” каби шартли номлар билан номланувчи махсус тадбирларнинг ўтказилиши тушунилмоқда. Бироқ ушбу тадбирларнинг шунчаки ўтказилиши ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси кўзда тутадиган мақсадга эришиш имконини бермайди. Сабаби, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг[1]. 24-моддасида “ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси” тушунчасига берилган таърифда, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасининг мақсади икки йўналишга йўналтирилган. Улардан бири, айрим турдаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, шунингдек айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқишга, иккинчиси, ишлаб чиқилган махсус тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган.

Илмий адабиётларда ҳам, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасидан кўзланган мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган вазифалар ва уларнинг тизимига оид назарий қоидалар ва нормалар мавжуд эмас.

Аслини олганда, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг аниқ белгиланган мақсади вазифаларнинг, вазифалар эса чора-тадбирлар тизимининг аниқ шакллантирилишига хизмат қилади. Уларнинг ўзаро алоқадорлиги эса ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари мазмунини ифодалайди. Ушбу хусусиятлар, ўз навбатида, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг афзалликларини намоён этади.

Айрим тадқиқот ишларида махсус профилактикани ўтказиш асослари ва чора-тадбирлари тизимининг мазмунини очиб бериш билан чегараланилган[2].

Ваҳоланки, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари унинг объекти, мақсади, вазифалари, йўналишлари, усули, шакли, афзалликлари, чора-тадбирлар тизими, уларни қўллаш асослари ва тартиби, субъектлари ва уларнинг фаолияти мазмунини ёритиш асосида ойдинлаштирилади.

Мазкур ҳолат ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг назарий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Назария ва амалиётда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг мақсадига оид фикрлар кам учрайди. Бироқ, унинг мақсадга ойдинлик киритмасдан туриб, вазифалари ва чора-тадбирлари ҳақида аниқ тўхтамга келиш мушкул.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ҳамда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни[3]нинг ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини тартибга солувчи нормалар таҳлилига асосланиб, махсус профилактиканинг мақсадини қуйидагилар билан ифодалаш мақсадга мувофиқ:

муайян ҳудудда содир этилган умумий жиноятчилик орасида салмоғи юқори бўлган, шунингдек ўтган йилларга нисбатан кўп содир этилган айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниши ва камайишига эришиш;

бундай турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларнинг бартараф этилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий ҳуқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тоифаларини аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатиш;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар ҳамда уларнинг ижтимоий салбий оқибатларидан ҳимояланиш;

махсус профилактик тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг мақсади – бу, муайян ҳудудда ва маълум давр мобайнида содир этилган умумий жиноятчилик салмоғи юқори бўлган, шунингдек ўтган даврга нисбатан кўп содир этилган айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниши ва камайишига эришиш, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий ҳуқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тоифаларини аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатиш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар юзага келганда уларни бартараф этиш, бу борада махсус тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Умуман олганда, профилактик чора-тадбирлар тизими ва уларнинг қўлланилиши таҳлилидан келиб чиқиб, махсус профилактика мақсади доирасини янада кенгайтириш

мумкин. Бироқ, ҳуқуқбузарликлар, хусусан одам савдоси профилактикаси тушунчасига таъриф беришда унинг амалга оширилишини муайян мақсадлар билан чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас[4].

Илмий адабиётларда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг вазифаларига нисбатан унинг чора-тадбирларига кўпроқ эътибор қаратилган. Бироқ, С.Б. Хўжакуловнинг таъкидлашича, “муайян мақсад вазифаларнинг, вазифалар функцияларнинг, функциялар эса чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишида асос бўлиб хизмат қилади. Натижада чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий тартиби ишлаб чиқилади. Мазкур мантиққа асосланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳар қандай фаолият ўзининг самарали механизмига эга бўлади”[5].

Шу тариқа, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг мақсадига асосланиб, унинг вазифаларини қуйидагича белгилаш лозим:

- муайян ҳудудда ва муайян даврда нисбатан кўпайган айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар ва шахслар тоифаларини, шунингдек юзага келган жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларни аниқлаш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг диққатини аниқланган шахслар тоифалари, мавжуд хатар ва таҳдидларга, шунингдек уларни ўз вақтида бартараф этиш масалаларига қаратиш;

- махсус профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш;

- махсус профилактик тадбирларни амалга ошириш;

- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси натижаларини тизимли таҳлил қилиш;

- муайян ҳудудда ва муайян даврда нисбатан кўпайган шахслар тоифалари, шунингдек ички ишлар органларининг махсус ҳисобида турувчи шахсларга нисбатан профилактик таъсир кўрсатиш ва уларни ахлоқан тузатиш.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг юқорида келтириб ўтилган вазифалардан аксариятининг амалий аҳамияти олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари билан асослаб берилган[6].

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси *объекти* бўйича илмий-назарий адабиётларда ҳам аниқ назарий-ҳуқуқий ёндашувни учратиш қийин.

Шу боисдан, О.В. Лихачева оиладаги зўравонлик жиноятларининг виктимологик профилактикасини умумий виктимологик профилактика ва махсус виктимологик профилактикага ажратиб тадқиқ этган бўлса[7], К.И. Масленников эса жинсий тажовузнинг олдини олиш тадбирларини умумий, яқка ва тезкор профилактика тадбирлар сифатида кўриб чиққан[8]. Бу каби ёндашувлар эса махсус профилактиканинг объекти жиноят содир этган шахслар доираси билан чегараланиб қолмасдан, балки ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ҳам қамраб олади мазмундаги ҳулосанинг шаклланишига асос яратида. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун[9] ининг 24-моддасида айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз

қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун асос бўлиши келтириб ўтилган.

Демак, махсус профилактиканинг объекти фақат шахслар билан чегараланиб қолмасдан, ўз доирасига айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларни ҳам қамраб олади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси объекти бўйича илмий адабиётлар ва қонунчиликда тор ва кенг ёндашувлар мавжуд. Бу борада ягона фикрнинг йўқлиги назарияда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи қоидаларнинг шаклланишига, амалиётда эса ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини аниқ манзилли ташкил этилишига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси ва унинг имкониятлари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлиш, ушбу йўналишдаги профилактик ишларни самарали ташкил этиш бевосита ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари мазмунига ойдинлик киритиш ва унинг моҳиятини англаб етиш талабини қўяди. Шундай экан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятлар ва афзалликлари мазмуни қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчиси, махсус профилактиканинг фақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан амалга оширилиши.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунга кўра, гарчи “ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси” ва “ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси” тушунчаларига берилган таърифда профилактиканинг ушбу турлари ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, қонуннинг 32-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилишга ҳақли эканлиги ҳамда 45-моддасида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиши мумкинлигининг кўрсатиб ўтилган. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги ҳамда виктимологик профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи орган ёки муассаса томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин эканда мазмундаги хулосани шакллантиради.

Демак, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турлари орасидан ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасигина фақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар, яъни махсус ваколатга эга бўлган субъектлар томонидан амалга оширилади. Шунга ўхшаш фикрни, одам савдоси махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этган И.Ю. Фазилов ҳам билдирган[10].

Бирок, юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти таҳлилларига кўра, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси аксарият ҳолларда ички

ишлар органлари томонидан амалга оширилиши кузатилади. Шу боисдан, қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишга доир ваколатларини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчиси, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар, шахслар тоифалари кўпайганда ёки жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар юзага келганда амалга оширилиши.

Қонуннинг 24-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш асослари сифатида қуйидагилар келтириб ўтилган:

1) айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши (бунга мисол қилиб, гиёҳвандлик воситаларнинг қонунга ҳилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятлар, шунингдек фоҳишалар билан шуғулланувчи, фоҳишахона сақловчи ёки қўйимачилик қилувчилар қабиладарнинг кўпайишини келтириши мумкин);

2) жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши (бунга мисол қилиб, қуролланган жиноятчиларнинг қидируви, шубҳали шахсларнинг транспорт воситаларида қочилиши қабиладарни келтириб ўтиши мумкин).

Шундай ҳолатлар борки, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар юзага келмасда, юзага келиш эҳтимоли мавжуд бўлади (бунга мисол қилиб, оммавий тадбирларнинг режаси белгилаштирилиши ва ўтказилиши қабиладарни келтириб ўтиши мумкин[11]). Бироқ масалани ушбу жиҳати, қонун чиқарувчи органнинг эътиборидан четда қолган. Мазкур бўшлиқни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун[12]нинг 24-моддаси 2-қисмини қуйидаги мазмундаги 3-банд билан тўлдириш орқали бартараф этиш лозим: “жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиш эҳтимоли мавжудлиги”.

Учинчиси, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тадбирларининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган махсус намунавий режага асосан амалга оширилиши.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг тезкорлигини, аниқроқ қилиб айтганда, профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида, тез ва аниқ бажарилишини таъминлаш учун махсус профилактик тадбирларнинг қатъий, баъзи тавсиявий тавсифга эга намунавий режаси ишлаб чиқилади. Ушбу режалар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Буни ички ишлар органлари тизимида амалга ошириладиган “Назорат”, “Қорадори”, “Ўсмир”, “Давомат”, “Ўқувчи”, “Ойна”, “Ғамхўрлик”, “Антитеррор”, “Арсенал”, “Орият”, “Турмуш”, “Паспорт-виза”, “Спитамен” ва “Тозалаш”[13] каби тадбирларда кузатиш мумкин.

Тўртинчиси, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тадбирларининг олдиндан пухта ўйлаб ишлаб чиқирилиши, субъектлар ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланиши, махсус профилактик чора-тадбирлар амалга оширилишининг тезкорлиги.

Хуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг тезкорлик хусусияти моҳияти шундаки, амалга оширилиши лозим бўлган профилактик чора-тадбирлар узвийлиги ва ўзаро алоқадорлигидан келиб чиққан ҳолда аввалдан режалаштирилади, баъзи ҳолатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан режали ҳаракатланиш юзасидан ўқув машғулоти амалга оширилади[14]. Натижада, уларда профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида, тез ва аниқ бажариш юзасидан амалий кўникмалар шаклланиб, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг тезкорлиги таъминланади. Буни ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия каби субъектлар томонидан тезкор махсус профилактик тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан амалга ошириладиган ўқув машғулотида кўриш мумкин[15].

Бешинчиси, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тадбирларининг айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг ёки жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига таъсир қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шартли номланиши.

Шу кунгача ички ишлар органлари фаолиятида махсус тадбирларнинг шартли номланиши амалиёти муайян даражада шаклланган. Бироқ бу амалиётни янада ривожлантириш, йўл қўйиб келинган хато ва камчиликларни аниқлаб, уларга чек қўйиш, пухта ўйланган таъсирчан профилактик махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ва шартли номланиши масаласига етарлича эътибор берилмаяпти.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси юқорида келтириб ўтилган ўзига хос хусусиятларга эга ва мазкур хусусиятларнинг моҳиятини англаш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётида махсус профилактика самарадорлигини таъминлаш имкониятини беради. Чунки, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси профилактиканинг бошқа турларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради, бироқ унинг назарий ва ҳуқуқий асослари етарлича шаклланиб улгурмаган. Шу боисдан, ўйлаймизки, ушбу параграфда илгари сурилган таклиф ва тавсиялар *биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг моҳиятини очиқ беришга; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг мақсади, вазифалари, объекти ва субъектларига аниқлик киритишга; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликларини белгилашга; *тўртинчидан*, амалиётда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини қўллаш самарадорлигини таъминлашга; *бешинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси муаммоларини тадқиқ этиш йўналишларини белгилаб олишга; *олтинчидан*, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

3. Махсус профилактиканинг асосий йўналишлари

Хатарли шахслар билан индивидуал ишлаш

Профилактик рўйхатга олиш ва кузатув.

Профилактик суҳбатлар ўтказиш.

Ижтимоий-психологик ёрдам ва маслаҳатлар.

Меҳнатга жойлаштириш, таълимга қайтариш, реабилитация.

Махсус назорат чоралари

Маъмурий чекловлар (масалан, муайян жойга бормаслик, жамоат жойидаги хулқ-атворга оид чекловлар).

Электрон назорат воситаларидан фойдаланиш (керак бўлса).

Патруллик ва қўшимча кузатув тадбирлари.

Жиноятчиликка мойил муҳитни бартараф этиш

Оилавий низоларни ҳал қилишда ёрдам бериш.

Ижтимоий хатарли хонадонлар билан ишлаш.

Муаммоли ҳудудларда тартибни кучайтириш.

Ёшлар ўртасида махсус профилактика

Нотинч, назоратсиз қолган ёшлар билан иш.

Мактаб ва коллежларда назоратни кучайтириш.

Интернетдаги хавфли муҳитдан муҳофаза чоралари.

Алкоголизм, нашъамандликка қарши профилактика

Рўйхатда турган шахсларни диспансер кузатувига юбориш.

Мажбурий даволаниш ва реабилитацияга йўналтириш.

Социал адаптация тадбирлари.

4. Махсус профилактикада замонавий ёндашувлар

Ахборот технологияларидан фойдаланиш (маълумотлар базаси, хавфни баҳолаш алгоритмлари).

Ижтимоий шериклик – маҳалла, таълим муассасалари, ННТ, ОАВ билан ҳамкорлик.

Илмий таҳлил асосида иш юритиш – жиноятчилик тенденцияларини ўрганиш.

Ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимолини баҳолаш учун **профилинг** ва **рисколь-баҳолаш** усуллари.

Тизимни такомиллаштириш чоралари

Қонунчиликда профилактикага оид нормаларни янгилаш.

Миллий профилактика дастурларини ишлаб чиқиш.

Профилактика билан шуғулланувчи ходимларнинг малакасини ошириш.

Оила, таълим ва маҳалла институти билан ҳамкорликни кучайтириш.

Ҳуқуқбузар шахсларни жамиятга қайта мослаштириш механизмларини ривожлантириш.

ХУЛОСА

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини такомиллаштириш – жиноятчиликни камайитиришнинг энг муҳим йўлларида бири. У хавфли шахслар билан индивидуал ишлаш, муаммоли муҳитни бартараф этиш ва замонавий назорат механизмларини жорий қилиш орқали амалга оширилади. Профилактиканинг самарали бўлиши давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва маҳалла институтлари ҳамкорлигига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2387357> (20.04.2021й.да мурожаат қилинган).
2. Гофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. — Б. 91.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2387357> (20.04.2021й.да мурожаат қилинган).
4. Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2016. — Б. 180.
5. Хўжакулов С.Б. Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018, – Б. 52.
6. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-хуқуқий ва криминологик муаммолари. Юрид. фан. докт. дис. автореф. – Т., 2006, – Б. 42; Закирова А.Г. Рашк туфайли содир этилган жиноятларга қарши курашиш муаммолари (жиноят-хуқуқий, криминологик ва виктимологик жиҳатлари). Юрид. фан. докт. дис. автореф. – Т., 2004, – Б. 41.
7. Лихачева О.В. Латентная жертва насильственных преступлений, совершаемых в сфере семейных отношений. – Тюмень, 2006. – С. 19. // URL: <https://www.dissercat.com/content/latentnaya-zhertva-nasilstvennykh-prestuplenii-sovershaemykh-v-sfere-semeinykh-otnoshenii> (20.05.2021й.да мурожаат қилинган).
8. Масленников К.И. Оперативно-розыскные и криминологические проблемы предупреждения насильственных действий сексуального характера: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 1999. // URL: <https://www.dissercat.com/content/operativno-rozysknye-i-kriminologicheskie-problemy-preduprezhdeniya-nasilstvennykh-deistvii> (20.05.2021й.да мурожаат қилинган).
9. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2387357> (20.04.2021й.да мурожаат қилинган).
10. Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Юрид. фан. д-ри. ... дис. — Т., 2016. — Б. 229.
11. Тоштемиров А. А. Оммавий тартибсизликлар: моҳияти ва юзага келишининг сабаблари // Жиноятчиликка қарши курашда тезкор аппаратлар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Илмий мақолалар тўплами / Масъул муҳаррир ю.ф.д. А. А. Хамдамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – Б. 157.

20-Nowabr, 2025-yil

12. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2387357> (20.04.2021й.да мурожаат қилинган).

13. Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва махсус профилактикасига доир фаолияти // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – Тошкент, 2017. – № 4. – Б. 48 (46–52).

14. Нурходжаев А.Қ., Шожалилов Ш.Ш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. 2010. Тошкент Ислон Университети. – Т., 2010, – Б., 116.

15. Изоҳ: ушбу тезкор махсус профилактик тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махфий маълумотларни ўз ичига олган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган.

Global
Science
Publication